

“Оқ олтин-2020”

Фарғоналик пахтакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб, жорий йилги пахта топшириш шартномавий режани бажарди
5-саҳифа ▶



Мутахассис тавсиялари

Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш бугунги долзарб кунларга боғлиқ
8-саҳифа ▶



Qishloq hayoti

Ўзбекистон Республикаси ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 15-oktabr, payshanba 54-55 (9091-9092)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



“KHANTEX GROUP”NING ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ИШГА ТУШДИ

Андижон вилояти

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов Қўрғонтепа туманидаги “KHANTEX GROUP” пахта тўқимачилик кластери фаолияти билан танишди.

Қўрғонтепа туманида жойлашган “KHANTEX GROUP” пахта тўқимачилик кластери томонидан 2-босқичда қатор янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Вилоят ҳокими ана шу лойиҳаларни амалга ошириш жараёни билан яқиндан танишди.

“KHANTEX GROUP” кўпчиликка маълум бўлиб улгурганидек, пахта етиштириш, пахта тозалаш, калава ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш фаолиятини ўз ичига олади. Лойиҳанинг жами қиймати қарийб

150 миллион долларга етади.

Корхона йилига 10 миллион дон трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳанинг иккинчи босқичда матони бўяш ва тайёр маҳсулот тиқиш фабрикаси ҳамда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш заводи ишга туширилади. Бу орқали эса 2 минг 225 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Андижон вилояти ҳоқимлиги матбуот хизмати.

Тошкент вилояти

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ БЎЙИЧА ИСРОИЛ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

“TCT Agro Cluster” МЧЖда чигит экиш, ғўза парваришлаш, экинни касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан асраш, томчилатиб суғоришни жорий қилиш, амалиётга инновация технологияларини кенроқ жалб қилиш масалаларига бағишланган тренинг бўлиб ўтди.

Унда Исроил давлатидан келган мутахассис-консультант Амрам Тимен хоризж тажрибаси билан ўртоқлашди.

“TCT Agro Cluster” директори М.Нўмонов ва маъсул ходимлар чет эллик мутахассисга пахтачиликда Ўзбекистон тажрибаси, хусусан, кластер тизимида пахта етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг технологик жараёнлари ҳақида маълумот бердилар. Амрам Тимен кластер фаолияти билан яқиндан танишар экан, бу йилги ҳосилнинг сифати, уни сақлаш усули маъқул келганини билдирди.

Тренингда томчилатиб суғоришни жорий қилишнинг афзалликлари, келгуси йилда кластерда ушбу усулни қўллаш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Сирдарё вилояти

“ЯНГИ ТОШКЕНТ” ҲАЁТИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛИБ ИЗГА ТУШМОҚДА

“Сардоба” сув омбори тўғони ўпирилиши Оқолтин туманидаги “Янги Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам катта зарар етказди.

Давоми 4-саҳифа ▶



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсимликлар карантини тизимини янги bosqichga кўтариш, соҳага илм-фан янгилликлари, халқаро амалиёт ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш, уларни етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) тизимидagi Ўсимликлар карантини илмий маркази негизда **Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз, Нукус ва Самарқанд филиалида ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида Марказнинг **замонавий лабораторияларга эга бўлган минтақавий филиаллари** ташкил қилинсин.

2. **Куйидагилар** Марказ ва минтақавий филиалларнинг **асосий вазифалари этиб белгилансин**:

республика ҳудудида катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг **фитосанитар хавф таҳлилин**и ўтказиш ва улар кириб келишининг олдини олишга қаратилган илмий асосланган фитосанитар чоралар ишлаб чиқиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зарарли организмларнинг ўчоқларини йўқ қилиш ва улардан ҳоли бўлган ҳудудларни белгилаш, улар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

карантин объектлари ва ўсимликларнинг бошқа хавфли зарарли организмларини аниқлаш ва улар диагностикасининг экспресс-усулларини ҳамда уларга қарши курашишнинг услубларини ишлаб чиқиш;

зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарсизлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш;

Инспекция ходимларига, тадбиркорлик субъектларининг агроном ҳамда энтомологларига билим бериш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2021 йил 1 январдан бошлаб**:

хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-сабзавот маҳсулотларига ва бошқа материалларга **хулоса беришга ружат берилди**;

Инспекция томонидан экспортбop мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъектларининг мутахассисларига** халқаро стандартлар ва импорт қилувчи давлатларнинг фитосанитар талаблари ҳақида билим бериб бориш бўйича **мунтазам равишда махсус ўқув курслари ташкил этилади**;

б) **2021 йил 1 апрелдан бошлаб** республика ҳудудига хорижий мамлакатлардан маҳсулотларни олиб кирган **транспорт воситалари** (самолётлар, темир йўл вагонлари ва контей-

нерлари, юк автомашиналари) юк хоналарини карантин назоратидан ўтказиш ва "детектор – хизмат ит"ларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда **фумигация қилиш (зарарсизлантириш) тизими жорий қилинади**;

в) **2020 йил 1 ноябрдан бошлаб**:

экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни хорижий давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлаштириш, тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш учун **ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилади**;

ўз ҳудудида аниқланган зарарли организмлар ҳамда фитосанитар дала назоратини ўтказиш тўғрисида Инспекцияга ихтиёрий мурожаат қилган ва уларнинг оқибатларини бартараф этган шахслар **маъмурий жавобгарликдан озод қилинади**.

4. **Куйидагилар**:

2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси марказий аппаратининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ходимларининг сони 6-иловага мувофиқ; автомобиль йўлларидаги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ТИФ постларидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамоҳдаги пункт рўйхати ба-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

ушбу қарорнинг 1-илосида белгиланган тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари, Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Инспекция раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг ўз вақтида барпо этилиши ҳамда ишга туширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини қабул қилсин.

Бунда, Марказ "Ўзагроримёҳимоя" АЖ ҳузуридаги "Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" МЧЖга қарашли Тош-

кент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилида жойлаштирилиши назарда тутилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиявий таъминлаш Давлат бюджети маблағлари, грантлар, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш 2020 йилда Давлат бюджетидан Инспекцияга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади ҳамда 2021 йилдан бошлаб бунинг учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағлар кўзда тутилади.

8. Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ва унинг минтақавий филиалларига бириктириладиган муассасалар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ҳар бир муассаса катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар хавф таҳлилин

и олиш ва уларга қарши курашиш бўйича илмий асосланган чоралар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

9. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инспекция билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловада келтирилган муассасалар қошида уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича карантин лабораторияларини ташкил қилсин. Бунда:

Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларда уларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштиришга маблағлар йўналтирилишини;

Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда илмий-тадқиқот институтилари ва Тошкент давлат аграр университетининг ходимлари лабораторияларга бириктирилишини ҳамда замонавий асбоб-ускуналарда ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун хорижий стажировкалар ташкил этилишини таъминласин.

10. Инспекция ва Марказ вазифаларидан келиб чиқиб:

Илмий-тадқиқот институтилари қошидаги карантин лабораториялари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 8-иловага мувофиқ;

республикадаги биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларини тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари кафедраларига бириктириш жадваллари 9 ва 9а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларининг фаолиятини ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини ва тупроқ-иқлим шaroитларидан келиб чиқиб, **янги турдаги энтомофагларни кўпайтириш** ва маҳсулот етиштирувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича **инновацион усуллар-**

ни ишлаб чиқиш, тегишли йўналишлар бўйича услубий ва амалий кўмак бериш орқали илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари кафедралари мувофиқлаштириб боради.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Инспекциянинг ходимларига қўйиладиган малака талаблари асосида тегишли олий таълим муассасаларида ўтказиладиган 144 соатлик қисқа муддатли курсларни ишлаб чиқсин ҳамда **Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини** таълим йўналишининг ўқув режасини қайта кўриб чиқсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида **Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини** таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Инспекциянинг ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган профессионал таълим муассасаларида “Ўсимликлар ҳимояси лабораторанти” ва “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агрономи” каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

12. Инспекция:

а) куйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

икки ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тез бузиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юкланадиган жойларда зарур инфратузилма яратиш ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифларни;

2021 йил 1 июлга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўсимликлар карантини чегара пунктларини республика ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотларнинг тури бўйича ихтисослаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини;

икки ой муддатда Ўзстандарт агентлиги билан биргаликда хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-маҳсулотларига хулоса бериш тартибини;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича Халқаро конвенция** котибияти билан ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда 2020-2022 йилларда соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка босқичма-босқич уйғунлаштириш чораларини кўрсин;

в) **2021 йил 1 январга қадар** Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “e-Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизимини “Ягона дарча” божхона ахборотлаштирилган тизимига **интеграция** қилиш ишларини тўлиқ якунласин. Бунда:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази тегишли равишда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари етиштирадиган фермер ва деҳқон хўжаликлари, боғ-токзорлар, аҳоли томорқалари, об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг “e-Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизимига мунтазам киритилиши учун уларни доимий равишда тақдим этиб борсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 декабрга қадар “e-Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизими базасида “даладан экспортгача” бўлган занжирни қамраб олувчи тизимни** яратсин ва ишга туширсин;

карантиндаги ва экспортга салбий таъсир этувчи бошқа хавфли зарарли организмлар тарқалган ҳамда улардан ҳоли бўлган ҳудудларнинг электрон хариталари юритилишини жорий қилсин;

“даладан экспортгача” бўлган занжирда **“баркод” тизимини** ишлаб чиқиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Марказ ва унинг минтақавий филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университетининг карантин лабораториялари барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланиши учун **икки ой муддатда 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағларини жалб қилиш чораларини** кўрсин.

14. “Ўзстандарт” агентлиги карантин лабораториялари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш мақсадида Конвенциянинг лаборатория диагностикаси йўналишидаги стандартлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

15. Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларининг 10-иловага мувофиқ биноларни ҳудудий инспекцияларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги ташкилотларга тегишли бинолар қайта баҳоланган бозор қийматида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Давлат бюджетидидаги мавжуд қарздорликларни қисқартириш ҳисобига берилиши белгилансин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) **Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев бир ҳафта муддатда** ташкилий йиғилиш ўтказиб, масъул вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳудудлар кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг тасдиқланишини таъминласин;

б) **Инспекция (Эргашев):**

икки ой муддатда экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига **ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилишини** таъминласин;

2020 йил якунига қадар экспорт қилинадиган маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун халқаро фитосанитария сертификати берилиши, улар етиштирилган дала, боғ ва томорқалар назорати натижасида бериладиган **ички фитосанитария сертификати** жорий қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда **2021 йил якунига қадар** кластерлар ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида биофабрика ташкил қилиш, уларда янги инновацион технологиялар асосида энтомофагларни кўпайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб Марказда экспортбop маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи, сараловчи ва қадоқловчи тадбиркорлик субъектларидаги **ҳамкорликни таъминловчи ходим-**

ларнинг махсус ўқув курсларида ўқитилишини ташкил этсин;

олти ой муддатда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда **2020-2023 йиллар давомида** Озарбайжон, Қатар, Туркия, Латвия, Литва, Украина, Миср, Мўғулистон, Чили, Афғонистон Ислам Республикаси ва бошқа давлатларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича **икки томонлама битимлар тузилишини таъминласин;**

ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

в) **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев)** Инспекция билан биргаликда маҳаллий мева-сабзавотлар экспортга салбий таъсир кўрсатадиган карантиндаги ва бошқа хавфли организмларга қарши самарали курашиш, улар тарқалишининг тезкор олдини олиш учун АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш натижалари асосида қўлланиладиган **инновацион кимёвий препаратлар ва пестицидларнинг ўрнатилган тартибда рухсат этилган рўйхатини** мунтазам равишда мувофиқлаштириб борсин;

г) **Ташқи ишлар вазирлиги (Арзиев)** мунтазам равишда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро келишувга эришиш орқали маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг **экспорт бозорларини кенгайтириш** бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва **ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама битимлар тузишда ҳар томонлама кўмаклашин;**

д) **Давлат божхона қўмитаси (Азимов) ҳамда Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов)** Инспекция талабларидан келиб чиқиб, 2020 йил декабрдан бошлаб йилига **5 тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги “детектор – хизмат ит”-лари** ҳамда **5 нафардан кинологлар тайёрлаб** берилишини таъминласин;

е) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:**

бир ой муддатда мазкур қарорга 2-иловада белгиланган прогноз кўрсаткичлари бўйича Инспекция ва “Ўзагрокимёхимоя” АЖ билан келишилган ҳолда аниқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаб, мақбул ер майдонлари “E-IJRO AUKSION” савдо майдончасига қўйилишини таъминласин;

Инспекция билан биргаликда мева-сабзавот экспортёрлари билан уларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тезкор бартараф қилиш мақсадида **ҳар чоракда камида бир марта семинар ва учрашувлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.**

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3626-сон қарорининг 2, 3, 4 ва 8-бандлари ҳамда унга 1–6-илвалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Инспекция манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А.Гулямов, А.А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 октябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯНИНГ 21-ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Жорий йилнинг 12 октябрь куни Бухоро шаҳрида Қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Ходжаев Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 21-йиғилишида иштирок этди.

Ҳукуматлараро комиссия йиғилишида вазирликлар ва тегишли идоралар раҳбарларининг Россия Федерацияси билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва саноат ҳамкорлик тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Ўзбекистон томонидан ҲКнинг 9 та кичик комиссияси раҳбарлари савдо-иқтисодий, инвестициявий, саноат ва минтақалараро ҳамкорлик, банк-молия, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги фаолият йўналишларида ҲКнинг 20-йиғилиши баённомаси билан қабул қилинган қарорлар ижроси бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Вазир Ж.Ходжаев қўшма кичик комиссия томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида ўрта муддатли истиқбол учун Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича қўшма «Йўл харитаси»нинг имзоланиши агросаноат мажмуи соҳасидаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Ҳамкорлик алоқалари ҳақида Вазир

Ж.Ходжаев маълумот берар экан, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди:

– Шу йил август ойида ҳамкасбим – Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазири Дмитрий Николаевич Патрушев билан мазкур йўл харитасини амалий натижаларга тўғри йўналтириб, муваффақиятли тарзда унинг долзарблигини таъминладик. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида агросаноат мажмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Бизнинг ҳар бир қўшма учрашувимизда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги қирралар юзага келмоқда. Давлатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат савдосининг ижобий ўсиш динамикасини зўр мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиман. Бунда 2020 йил январь-август ҳолатига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари айланishi ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга ошди ва 630 млн. долларга етди. Ҳар икки томон ҳам қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг тўғридан-тўғри етказиб берилишини йўлга қўйиш ва учинчи давлатлар орқали етказиб бериш ҳолатларини камайтириш бўйича умумий фаолиятни давом эттириш зарур, деган фикрда. Бу Ўзбекистондаги етказиб берувчилар учун ҳам, Россиялик

охирги истеъмолчилар учун ҳам фойдали. Россия ҳукуматининг мевалар учун ҚҚС меъърини 20% дан 10% га туширишга оид қарори давлатларимиз ўртасидаги тўғридан-тўғри етказиб беришлар орттиришга аҳамиятли тарзда ижобий таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ишончим комилки, келажакда тўғридан-тўғри етказиб беришлар улушини янада орттиришга эришимизга ишончим комил.

Қайд этилганидек, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича "яшил йўлак" муваффақиятли ривожланишида давом этмоқда. Фитосанитар назоратдан ўтишнинг соддалаштирилган шаклига эга ўтиш пунктларининг миқдори 2018 йил 7 бирликдан 22 тагача ошди. Уларнинг сони ўсишда давом этади.

Шунингдек, савдо-сотиқ учун мустақам инфратузилмани яратиш устида ишлаш давом эттирилмоқда. Қўшма агрологистик марказлар очиш масаласида муваффақиятларга эришилди. Жумладан, Жиззах вилоятида агорологистик марказ барпо қилиш мақсадида Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, чорвачилик, балиқчилик ва озуқа ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатидаги ўтилди. Ўзбекистоннинг наслдор балиқ етишти-

риш бўйича миллий базасини яратиш доирасида 2021 йилнинг баҳор ойларида россиялик ҳамкасблар билан биргаликда урғочи зогорабалиқ, қора амур ва маҳаллий бозорда талабга бўлган бошқа балиқлар сонини кўпайтириш ишларини бошлаш режалаштирилган.

Икки давлатнинг тегишли тармоқ бирлашмаси ўртасида паррандачилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка оид битим, шунингдек балиқчилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро шартнома имзоланишга тайёрланмоқда.

Шунингдек, аграр таълими йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик кузатилаётган. Айни дамда Тошкент давлат аграр университетининг томонидан Россиянинг аграр соҳасидаги бир қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Қўшма таълим дастурлари доирасида талабаларни тайёрлаш ва ўқитувчилар маънавиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар жадал тарзда ривожланмоқда. Бунга Астрахань давлат техника университетининг Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган филиали ёрқин мисол бўла олади.

Бундан ташқари, агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган қўшма фаолиятимиз доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликка оид идоралараро Келишув тайёрланди. Ушбу ҳужжатни шу йил якунида Қўшма комиссиянинг 2-йиғилиши доирасида икки давлат ҳукумат раҳбарлари иштирокида имзоланган режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати.

“ЯНГИ ТОШКЕНТ” ҲАЁТИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛИБ ИЗГА ТУШМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Маҳалла аҳолиси маълум вақт ўз уйларидан олис манзилларда яшашга мажбур бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига асосан Оқолтин туманидаги Янги Тошкент маҳалласида 130 та бетон-панелли уй-жойда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилиб, 200 дан зиёд оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Маҳалланинг ҳар бир кўчасига Тошкент шаҳрининг туманлари номи берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13 октябрь куни тумандаги "Янги Тошкент" маҳалласига келиб, аҳоли билан суҳбатлашди.

Бу ерда маҳалла гузари, кутубхона, болалар майдончаси, спорт комплекси барпо этилган. Ички йўллар қурилиб, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти тикланган.

Авал бу ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғини биноси бўлмаган. Маҳалла ходимлари ҳудуддаги 14-мактабнинг бир хонасида жойлашган эди. Бугунги кунда бир қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинода давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшлар учун мусиқа, компьютер ва бошқа хоналар ажратилган. Шунингдек, ҳудуддаги 130 ўринли 5-мактабга таълим ташкилоти, 150 ўринли мактаб биноси ҳам қайта таъмирланди.

– Техноген фалокат туфайли маҳалламиздаги барча уйлارга



талафот етди, – дейди "Янги Тошкент" МФЙ раиси Абдурауф Шодмонов. – Илгари барча хонадонлар атрофида қўшмача бинолар қурилган ва ҳовли девор билан ўралган эди. Ҳаммасини тошқин ювиб кетди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан олиб борилган кенг кўламли ишлар сабаб маҳалламиз янги қиёфага кирди. Маҳалла ҳақиқатдан ҳам янги Тошкент бўлди. Ҳудудимизда чўқур кўчалар текис ва раван бўлди. Аҳолининг ўттиз фоизи кўрсатилган моддий ёрдамдан фойдаланиб автомобиль олди, том маънода уларнинг турмуш шароити яхшиланди. Бугунги кунда барча аҳоли ўз уйига кўчиб келган. Тошқин ва ўша тонг унутилди, тўйлар бошланди.

Бу ҳудудда илгари кутубхона йўқ эди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус ижроси доирасида замонавий кутубхона қурилди. Мазкур маърифат маскани ўтган ой фаолиятини бошлади.

– Кутубхонамизда 1000 дона ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бор, – дейди "Янги Тошкент" МФЙ кутубхоначиси Шоира Орипова. – 4 та компьютер интернетга уланган, китобхонлар Алишер Навоий номиди Миллий кутубхонанинг электрон китобларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши мумкин. 15 китобхон бир вақтда кутубхонага келиб мутулаа қили-

ши мумкин. Уларнинг талабидан келиб чиқиб, китоблар уйда ўқиш учун ҳам берилди. Мақсадимиз, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишдан иборат.

Маҳалла аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 100 та янги иш ўрнига эга "Нафис либослар" тикувчилик корхонаси қурилди. Илгари маҳалла хотин-қизларининг кўпчилиги ишсиз эди. Эндиликда улар маҳалла ҳудудида бунёд этилган мазкур тикув-трикотаж корхонасида иш бошлайди.

– Тадбиркор сифатида газаблок ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Бундан ташқари, дераза ва эшик тайёрловчи корхонам бор. Биринчи марта тўқимачилик соҳасига қўл уриб, тикув-трикотаж корхонасини очдик. Лойиҳа 500 миллион сўм ўз маблағимиз ва

банкнинг 2 миллиард сўм кредити асосида амалга оширилди. Гулистон шаҳридаги ҳамкорларимиз ҳамашё етказиб беради, биз тайёр маҳсулот жўнатамиз.

Бинода қурилиш ишлари якунланган. Электр, табиий газ ва сув тармоқлари тортилган. Бугунги кунда Хитойдан олиб келинган тикув дастохларини ўрнатяпмиз. Корхонамиз жорий йилнинг декабрь ойида ишга тушади, 2021 йилдан тўлиқ қувватда ишлайди ва йилга 500 минг дона текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ишчиларнинг кўпчилиги шу маҳалла хотин-қизларидан олинади.

Кейинги йилдан бошлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фоизи Россия, Тожикистон, Қозғистон давлатларига экспорт қилинади. Сирдарё вилоятининг яна икки қишлоғида шу каби корхона қуриб, хотин-қизларни иш билан таъминлашни режалаштиряпмиз, – дейди корхона раҳбари Баҳром Тоштемиров.

Аҳолининг таъкидлашича, маҳаллада табиий газ қувурлари бўлган, лекин газ берилмаган. Айни пайтда аҳолига табиий газ, шунингдек, шу вақтгача маълум мuddатларга берилган электр токи ва ичимлик суви узлуксиз етказиб берилмоқда.

Маҳалла ҳудудида 2004 йилда қурилган оилавий поликлиника ҳам қайта реконструкция қилинди. Мазкур лойиҳа қиймати 623 миллион сўмни ташкил этиб, тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилган.

Поликлиникада янги тиббиёт ускуналари, ЭКГ, УЗИ ўрнатилди. Болалар невропатологи, УЗИ шифокори иш бошлади, дорихона ташкил этилди. Пировардида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Хуррид Қодиров, УЗА





ФАРҒОНАЛИКЛАР 250 МИНГ ТОННА ПАХТА ХИРМОНИ ЯРАТДИ

Фарғоналик пахтакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб, жорий йилги пахта топшириш шартномавий режани бажарди.

Фермер хўжаликлари томонидан мўл ҳосил етиштирилиб, 250 минг тонна пахта хирмони бунёд этилди, унинг аксарият қисми юқори навларга сотилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан пахтачиликда кластер тизими жорий этилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Вилоятнинг 9 та туманида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан мўл ҳосил етиштирилгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Жорий йилда 82 минг гектардан зиёд майдонда ғўзанинг “С-8290”, “Наманган-77”, “Султон”, “С-6524” навлари экилиб, агротехник тадбирларга муҳим эъти-

бор қаратилди. Пахтани қисқа муддатларда сифатли йиғиб олиш, теримга фермер хўжалиги аъзоларини ва иш билан банд бўлмаган уюшмаган аҳолини ихтиёрий жалб этиш бўйича барча зарурий чоралар қўрилди.

Натижалар эса қувонарли. 15 иш кунда вилоятнинг Бувайда, Учкўприк, Риштон туманлари пахта сотиш шартномавий режасини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Шунингдек, Олтиариқ, Ўзбекистон, Тошлоқ, Бағдод, Данғара туманлари ҳам пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ХОРАЗМДА

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақкам илдишлар билан боғланганки, уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиш мушкул.

Турк халқи Ўзбекистон заминини “ота юрт”, деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг юртимиз ва халқимизга бўлган меҳри ва ҳурматини англаш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзаро алоқаларнинг ривожини Хоразм вилоятида ташкил қилинган жами 162 та қўшма корхоналарнинг 32 таси ёки 20 фоизи Туркия компаниялари инвестициялари иштирокида ташкил қилинганлиги ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу 32 та қўшма корхонанинг 28 таси охириги 3 йил ичида ташкил қилинган.

Вилоят ҳокимлигида туркиялик ишбилармон доира вакиллари билан иборат делегация билан учрашув бўлди. Тадбирда вилоят ҳокими Ф.Эрманов бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Хоразм вилоятининг бугунги куни, унинг мавжуд иқтисодий, аграр ва сайёҳлик салоҳияти,



шунингдек, Туркия билан ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтди.

Учрашувда “Иссиқхона ташкил қилиш”, “Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш”, “Вилоятда

кўчат етиштиришни ташкил қилиш ва замонавий лаборатория қуриш”, “Турар жойлар қуриш” лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш муҳокама қилинди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги
Матбуот хизмати.

НАВОИЙДА 9 ОЙДА 5 МИНГ 720 ТА НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛГАН

Навий вилоятида жорий йилнинг ўтган 9 ойида ФХДЁ бўлимлари томонидан вилоят бўйича 17 минг 665 та туғилиш, 5 минг 720 та никоҳ, 666 та ажрим, 3 минг 992 та ўлим ҳолатлари қайд этилган.



– 261 та далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш ҳаракатлари амалга оширилган, Минск конвенцияси бўйича 229 та муружаат келиб тушган, – дейди Давлат хизматлари агентлигининг Навий вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Нодира Самандарова.

Айни кунда ФХДЁ бўлимлари архивидаги далолатнома ёзувларини электрон кўринишга келтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача 1 миллион 432 минг 861 та ҳужжат рақамлаштирилган.

Абдували БҮРИЕВ, ЎЗА

УЧТЕПА ТУМАНИДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Учтепа тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими, “Худудгаз тармоқлари” корхонаси ҳамда туман ёнғинни сақлаш жамияти ҳамкорлигида аҳоли хонадонларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича техник ўрганиш олиб борилмоқда.



Кеча “Дегрез” маҳалласи хонадонларидаги иситиш мўриконларининг созлиги текширилиб, газ қурилмалари техник кўриқдан ўтказилди. Текшириш натижаларига кўра, 3 та носоз газ ускуналари таъмирланди, 1 та иситиш қозонхонаси мўриконлари тозаланиб, соз ҳолатга келтирилди. Жами 286 та хонадон ўрганилиб, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, тумандаги қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари олиб борилаётган қурилиш майдонларида ёнғин хавфсизлиги ва фавқуллода ҳолатларининг олдини олиш борасида ишчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Улуғбек АҲМЕДОВ,
Учтепа тумани ФВБ П ва
НБ инспектори.

АДЛИЯ ВАЗИРИ АХБОРОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг Р.Давлетовнинг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тушунириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тарғиб этиш бўйича адлия органлари томонидан 520 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Қабул қилинган ҳар бир муҳим қонун ҳужжати бўйича тарғибот материаллари тўплами тайёрланиб, соҳага масъул бўлган вазирлик ва идораларга ҳамда ҳудудларга юбориш амалиёти йўлга қўйилди. Қонун ҳужжатларини содда таразда тушунириш бўйича тайёрланган видеороликлар маҳаллий ва марказий телеканалларда мунтазам бериб бориляпти. Бундан ташқари, фуқаролар учун долзарб ва қўндалик ҳаётда кўп дуч келинадиган ҳолатлар бўйича вазирлик веб-сайтида 21 та йўналишни ўз ичига олувчи "Сўраган эдингиз" бўлими очилди ва ҳозирга қадар ушбу бўлимда жами 400 га яқин савол-жавоблар жойлаштирилди.

Вазир ахборотида қайд этилганидек, интернет тармоғида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга қаратилган, моддий аҳолидан қатъи назар, барча аҳоли қатламини бепул ҳуқуқий маслаҳат билан таъминлашни назарда tutувчи 5 та ҳуқуқий портал ишларда чиқилди. Яқинда тадбиркорлар учун бепул ҳуқуқий маълумот ва маслаҳат оладиган "Advice for business" юридик портали ишга тушди.

Бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан, яъни корхонани рўйхатдан ўтказишдан тортиб токи уни тугатишгача бўлган барча зарур маълумотларни тақдим этувчи махсус интерфаол портал ҳисобланади. Мазкур тизим орқали тадбиркорлар ўз фаолиятининг ҳар қандай босқичида дуч келаётган масаласи юзасидан тезкор равишда бепул ҳуқуқий маслаҳат ва маълумотлар олиш имкониятига эга.

Шунингдек, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида "Мадад" нодавлат ташкилоти ва унинг ҳудудий бюрolari ташкил қилинди. Бугунги кунда 60 та туман (шаҳар)да фаолият олиб бораётган "Мадад" бюрolari томонидан 12 мингга яқин саволларга бевоқиф жавоб берилган бўлса, "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали орқали 60 мингдан ортиқ саволларга онлайн режимда жавоб қайтарилди.

Эшитувда депутатлар соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиб, вазирга юртимизда имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам савол бердилар.

Вазирнинг таъкидлашича, имкония-



ти чекланган, кўзи ожиз шахсларга ўз ҳуқуқларини тушуниришда уларга қўлай бўлган усулдан фойдаланилди. Халқаро ташкилотларнинг грант маблағларини жалб қилган ҳолда кўзи ожизлар учун брайль алифбосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тайёрланди.

Тўплам 2 жилддан иборат, 2 минг ададда нашр этилган ва унда кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид 29 та қонун ҳужжатларидаги нормалар жамланган. Масалан, унда ушбу шахслар учун қўлланиладиган солиқ имтиёзлари, қўлай меҳнат шартлари, ижтимоий ҳимоя масалалари, шу билан бирга уларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ўз ифодасини топган.

Эшитувда таъкидланганидек, пандемия пайтида фуқароларнинг ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий тушуниришлар беришнинг замонавий тизимлари яратилди. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий маслаҳатга бўлган эҳтиёжини масофавий тарзда қондириш мақсадида телеграм мессенжерида ботлар очилиб, улар орқали фуқароларнинг масофадан туриб йўллаган саволларига ҳуқуқий тушуниришлар ва маслаҳатлар бериб борилди.

Халқ вакиллари эришилган натижаларни маълумлашган ҳолда соҳада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган бир қатор тавсиялар бердилар.

Парламент эшитувида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИГА САЙЛАНДИ

13 октябрь кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига кўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга сайланди, дейилади Ташқи ишлар вазирлиги хабарида.

БМТ Янгиликлар маркази маълумотига кўра, қуйидаги 15 давлат 2021 йил 1 январдан бошлаб уч йиллик муддатга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши аъзоллигига сайланган: Боливия, Хитой, Кот-д'Ивуар, Габон, Куба, Франция, Малави, Мексика, Непал, Покистон, Россия, Сенегал, Украина, Ўзбекистон, Буюк Британия.

БМТ Бош ассамблеяси органи ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 47 та давлат аъзодир. Кенгаш аъзолари уч йиллик муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

ЎЗА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёнинг қатор давлатларида қизамиқ касаллиги бўйича ноҳус эпидемик вазиятлар кузатилаёттир. Жумладан, Европанинг 28 та мамлакатида, улар орасида Украинада бу касалликни юқтириш ҳолатлари нисбатан кўпроқ қайд этилган.

"ҚИЗАМИҚ"ҚА ҚАРШИ ОММАВИЙ ЭМЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу ўринда кўпчиликни ташвишга солаётган бу касаллик ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Қизамиқ ҳаво-томчи орқали юқадиган ўткир вирусли касаллик бўлиб, баҳор ва куз фаслида кўпроқ учрайди. Унинг вирусини одам организмиде 9-14 кун мобайнида яширин даврида бўлади. Сўнгра юзага чиқади. Тана ҳарорати 38-39 даражага кўтарилади. Дастлабки кунларда беморнинг оғиз бўшлиғи, танглай, лунжи ва милкининг шиллик пардаларида доғсимон майда тошмалар пайдо бўлади. Бу қизамиқнинг биринчи белгиси ҳисобланади.

Икки-уч кун ўтгач дастлаб қулоқ орқаси, юз, бўйин, танада пастга қараб тошиши натижасида иккинчи тошмалар юзага келади. 4-6 кунлик муддатда шу зайлда қайтади. 39-40 даражадаги иситмалаш 5-7 кун ичида пасая бошлайди. Қизамиқ билан оғриган бола инжикланиб қолади, иштаҳаси пасаяди, уйқусида бузилиш, кўзида ёшланиш кузатилади, йўтал кучайиб боради.

Беморни даволашда қуйидагиларга амал қилиш керак. Шифокор маслаҳатига биноан агар касаллик болада энгил ўтаётган бўлса уйга, оғирроқ кечаётган бўлса касалхонага ётқизиш керак. У ётган кўрпа-тўшак, фойдаланаётган нарсалар покиза ҳолда бўлиши, хона тез-тез шамоллатиб турилиши зарур. Касалликнинг олдини олишнинг энг самарали усули – эмлаш ҳисобланади.

Қизамиқ касаллигининг четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида Республика СЗОАнинг кўрсатмасига биноан ҳудудларда 5-25 октябрь кунлари 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларда қизамиққа қарши оммавий эмлаш кунларининг ўтказилиши белгиланди ва ҳозирда ҳудудий поликлиника, қишлоқ оила поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида малакали, махсус тайёрларикдан ўтган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Умида ЭШОНХЎЖАЕВА,
Наманган вилояти СЗОА
иммунпрофилактика бўлими мудир.

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



Жиззах вилояти

ОНА ТИЛИМИЗ – МИЛЛИЙ
МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ
БИТМАС ТУГАНМАС БУЛОҒИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах шаҳар бўлинмаси ва Жиззах шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан, Миллий Гвардиянинг Жиззах вилояти бўйича бошқармаси ҳамкорлигида Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним хиёбонида “Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас туганмас булоғидир” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Мазкур тадбирда, Жиззах Давлат педагогика институти “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси Д.Абдувалиева, Республика Маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилояти бўлими раҳбари И.Умарова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбар М.Абдурахмонова ҳамда Жиззах вилояти Болалар кутубхонаси директори А.Юлдошевлар сўзга чиқиб ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграётганлиги, хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаяётганлиги, она тилимиз – ўзбек тилидаги нутқи нафақат ўзбекистонликларни, балки бугунги кунда дунёда яшаётган 50 миллиондан зиёд ўзбекларни ҳам руҳлантираётганлиги ҳақида ўзларининг фикрларини билдириб ўтишди.

Шунингдек, тадбирда бундан қарийб 31 йил муқаддам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги, бу ўз даврида том маънода оламшумул воқеа бўлиб, буюк алломалар, хусусан, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймоларни етиштирган халқ тилининг нуфузи, аҳамияти ва қадри нафақат Ватанимизда, балки халқаро миқёсда кун сайин ошиб бораётганлиги тўғрисида сўз юритдилар.

Тадбир давомида Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним махсус мактаб интернати ҳамда 16, 8, 10 ва 22-сонли умумтаълим мактабларининг фаол ўқувчилари иштирокида бадиий чиқишлар ва шеърхонлик дастурлари намойиш этилди.

Тадбир сўнгида ҳамкор ташкилотлар ва фаол иштирокчилар ташаккурномалар билан тақдирланишди.

Жиззах шаҳар Маънавият ва маърифат маркази.

Хоразм вилояти

“АВЕСТО” МУЗЕЙИ ЭКСПОНАТЛАРИ
ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАР
БАЗАСИ ЯРАТИЛДИ

“Авесто” – юртимиз тарихи ва маданиятига оид ноёб асар ҳисобланади. Ўз навбатида, бу асар жаҳон аҳамиятидаги дурдоналардан.

ЮНЕСКО томонидан “Авесто” китоби ёзилганлигининг 2700 йиллиги кенг нишонлангани бунинг исботидир. Урганч шаҳрида 20 гектарлик боғ мажмуа бунёд этилиб, ноёб асарга ёдгорлик монументи ўрнатилган. Қолаверса, 2001 йилда “Авесто” боғ мажмуасида “Авесто” музейи ҳам ташкил қилинди.

Ноёб экспонатлар орасида эрамиздан аввалги оссурийлар, Хоразм ёзувидан намуналар, Алишер Навоийнинг “Хамса” асари достонлари қўлёзмаси, 2-3 минг йиллик археологик топилмалар, безаклар, тангалар, расм, портрет ва бошқа қимматли хужжатлар мавжуд.

Аммо уларнинг айримлари атроф-муҳитнинг таъсири ва сақланаётган жойнинг номуаносиблигидан емирилиб, йўқолиб кетмоқда. Баъзан ушбу экспонатларни номаълум шахслар томонидан ўғирлаш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда.

Хоразмлик ўлкашунос Комилжон Нуржанов бу муаммони ҳал қилиш учун Олий Мажлис Сенати аъзоси Гавҳар Дурдиевага мурожаат қилган.

Сенатор ташаббуси билан эса айнан шу муаммони ечиш учун махсус грант лойиҳаси тайёрланди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан Давлат гранти 4-танловида қатнашиш учун – “Урганч шаҳридаги “Авесто” музейининг экспонатлари бўйича инновацион электрон маълумотлар базасини тайёрлаш” мавзусидаги грант лойиҳаси тақдим этилди.



Ушбу лойиҳа бўйича халқаро “Олтин Мерос” жамғармаси Хоразм вилояти бўлими ва Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўртасида шартнома тузилди ва амалий ишлар бошланди.

Ҳозирда “Авесто” музейидаги атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ва сақланаётган жойнинг номуаносиблигидан емирилиб бораётган ноёб музей экспонатларини келгуси авлодларга ўз ҳолида етказиш мақсадида талаб даражасида таъмирланди. Қолаверса, 5 мингга яқин турли топилма, хужжат ва архив материаллари бўйича инновацион тизим, яъни электрон тарздаги маълумотлар базаси яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, кўҳна Хоразм тамаддунига доир бўлган музейдаги кўҳна маданиятга доир инновацион, электрон шаклда тайёрланган маълумотлар базасидан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларга ҳам фойдаланиши учун имкон яратилади.

М.РЎЗИБОЕВА, ЎЗА

ЁШ ХУНАРМАНД

Қўл меҳнати билан яратилган маҳсулотлар азалдан юксак қадрлаб келинган. Дунё миқёсида ташкил этиладиган халқаро кўرғазмаларда ҳам қўлбола меҳнат намуналари юқори баҳоланади.

Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи, 1996 йилда туғилган Нурмуҳаммад Анорқулов болалигидан рассомлик ва хунармандчиликка қизиқиб, қўл меҳнати билан турли буюмларнинг макетларини ясаб келади. Унинг қўл меҳнати билан яратган маҳсулотлари чинакам мўъжизадир.


Нурмуҳаммад бугунги кунда автомобилларга техник хизмат устaxonасида ишлайди, хунармандчилик билан эса ишдан бўш вақтларидагина шуғулланади. Унинг айтишича, болалигида дўкondан сотиб олинган ўйинчоқларни ўйнашга қизиқмаган, аксинча уларни ўзи ясашга ҳаракат қилган ва буни уддалаган ҳам. Бунда унинг отаси Жумадилла Алимов шароит яратиб берган. Коллежда ўқиб юрган кезларида эса синф раҳбари Зиёд Эрқабоев ҳам унинг интилишларини қўллаб-қувватлаган.

Бугун Оҳангарон шаҳар ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари Нурмуҳаммад Анорқуловнинг хунармандчилик намуналари билан танишиб, унга катта ишонч билдирди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди ҳамда бу бўйича тегишли масъулларга кўрсатма берди.

Ҳозирда Нурмуҳаммаднинг шахсий коллекциясида 100 га яқин қўл меҳнати маҳсулотлари мавжуд.

Нурмуҳаммад Анорқулов келажакда олий ўқув юртида ўқиб, архитектор бўлишни ва албатта ўзи яратган хунармандчилик намуналари билан дунё миқёсидаги халқаро кўрғазмаларда қатнашишни ният қилган.

Унинг келажакдаги ишларида юксак марралар ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Жорий йилги об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб туриши, мураккаб табиат инжиқликлари мамлакатимиз галлачиликда бироз қийинчиликларни келтириб чиқарди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, жанубий минтақаси Қашқадарё ҳамда Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида 8-9 апрель кунлари галланинг тўла найчалош ва бошоқлаш даврида қалин қор ёғиб, ҳаво ҳароратининг қисқа муддатли пасайиши бошоқ ичидаги гулнинг оталик чангига таъсир қилди. Натижада бошоқларнинг шаклланиш жараёнида оталик чанглариининг тўлиқ ривожланмай қолишига, бошоқлардаги довларнинг пуч бўлишига ёки ҳосил бўлмаслигига олиб келди.

Ҳавонинг совуши ва май ойи охирида кескин исиб кетиши оқибатида галла ҳосилдорлигига жиддий зарар етди. Шунга қарамай, республикаимизда галладан олинган ялпи ҳосил 6 405 629 тоннани ташкил этди. Ҳар гектар майдондан ўртача 64,9 центнердан ҳосили олинди. Айрим омиллр сабаб, баъзи ҳудудларда галладан кам ҳосил олинди.



БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ БУГУНГИ ДОЛЗАРБ КУНЛАРГА БОҒЛИҚ

Қишнинг илиқ келиши ривожланишдан орқада бўлган ва кеч экилган галланинг яхши томонга ўзгариши учун ижобий шароит яратди. Бироқ, аксарият эрта муддатларда экилиб, ўз вақтида ундириб олинган галла кўчталарининг қисман ривожланиши натижасида ўсимлик маълум даражада ўз энергиясини сарфлашига тўғри келди. Айрим жойларда галла ниҳоллари қишлоқдан нимжон бўлиб чиққан ҳолатлар кузатилди. Шунингдек, айрим минтақаларимизда қишқи ҳароратнинг илиқ бўлиши, ерда қорли қопламанинг бўлмаганлиги учун ҳашарот ҳамда касалликларнинг спора ва тухумлари совуқдан зарарланмай, сақланиб қолди. Апрель ойида ҳаво ҳароратини пасайиши нафақат эрта муддатларда экилган, балки барча кузги галла майдонлариданги ниҳолларнинг асосий пояларининг зарарланиши натижасида ниҳолларнинг ривожланишини кечиктириб юборди. Кўп йиллик кузатишлардан маълум бўлдики, 2020 йил ҳосили учун экилган галланинг ҳолати аввалги йиллардагига нисбатан 5-7 кунга кечикди.

Бошоқли дон экинлари учун чангланши, доннинг шаклланиши даврида оптимал ҳаво ҳароратига, озукага ҳамда сувга бўлган талаби юқори бўлади. Кейинги йилларда республикаимизда июнь-июль ойларида бўладиган иссиқлик май ойининг учинчи ўн кунлигида кузатилаётганлиги натижасида эрта муддатларда экилган ҳамда ҳозирда мавжуд бўлган ўта эртапишар, эртапишар кузги буғдой навларида чангланши ҳамда уруғларнинг шаклланишига салбий таъсир этиб, бошоқчаларда дон тўла шаклланмасдан пуч бўлиб қолиш ҳолатлари кузатилди.

Суғориладиган ерлардаги кузги галла ривожининг сустиги тупроқда ўсимлик томонидан ўзлаштирилаётган асосий озука элементлари азот, фосфор, калийнинг етарли даражада бўлмаслигини аниқлади. Бошоқли дон экинларини экишдан олдин фосфорли ва калийли ўғитларнинг етарли даражада берилмаслиги ҳамда вегетация даври давомида азотли ўғитлар белгиланган

меъёрада, табақалаштириб (*туплаш, найчалош, бошоқлаш фазаларида*) берилмаслиги галладан юқори ва сифатли дон ҳосили олинишига салбий таъсир кўрсатди. Бошоқли дон экинлари навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, экиш муддатларига минтақа тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олманган ҳолда жойлаштирилиши натижасида ҳосилдорлик имконияти 80-100 центнерни ташкил этадиган кузги буғдой навларидан кўзланган даражадаги ҳосил олинмади. Ғўза қатор ораларига уруғлик экиш мослама ёрдамида экилмоқда (сепилмоқда), уруғликни экиш меъёри ва экиш чуқурлиги аниқ бўлмаганлиги натижасида, ғўза қатор орасига экилган уруғликнинг 60-70 фоизи униб чиқмоқда. Натижада 1 гектар майдонга экилган галланинг кўзланган ҳосил олинган уруғга нисбатан кам ниҳол олинишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида бошоқли дон экинларини етиштириш ҳамда галладан юқори ҳосил олинишига ҳар йили ҳам қулай шароитлар мавжуд бўлмади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун турли янги технологиялар қўлланилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда асосий ва тақорий экин сифатида соя, мош ва бошқа дуккакли экинларнинг қўшилиши тупроқ унумдорлигини сақлаш ва аста-секинлик билан унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши кутилаётганлиги турли экологик муаммолар сабабли бошоқли дон экинлари навларининг морфо-физиологик ҳолатларини ҳамда уларда кечадиган ирсият қонунларини, чангланши, уруғланиш ҳолатларини ўзгартириб юбормоқда. Бошоқли дон экинларини юқори ҳамда сифатли ҳосил берадиган, қурғоқчиликка бардошли ёки иссиқлик кучайгунга қадар пишиб етиладиган эртаки, касалликларга чидамли навларини яратиш ва турли иқлим шароитларида экиш муддатлари ҳамда парваришлар агротехнологияларига ўзгартириш киритиш устидаги илмий

изланишлар кўламини кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Республикаимизда бошоқли дон экинларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил олишга эришишда куйидаги илмий-амалий тақлиф ва тавсияларни амалга ошириш зарур:

БИРИНЧИДАН. Республикаимизда бошоқли дон экинларини интенсив типдаги эртапишар, ўта тезпишар май ойининг учинчи декадасида пишидиган, юқори ва сифатли ҳосилли, кам сув ва озука талаб этадиган, пакана ва яримпакана навларни яратиш устида илмий-тадқиқот ишларини жаддалаштириш лозим.

ИККИНЧИДАН. Бошоқли дон экинларидан фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини 100 фоиз экиш олдида бериш, айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмаган ёки кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг/дан фосфорли ва 60 кг/дан калийли ўғитларни солишни ташкил этиш. Бунда аммофос бериладиган бўлса физик ҳолда 200 кг/га, Оддий суперфосфат бериладиган бўлса 500 кг/га. Калийли ўғит сифатида калий хлор ўғитидан 100 кг/га миқдорда берилиши тавсия этилади.

УЧИНЧИДАН. Бошоқли дон экинлари навларининг навдорлигини сақлаш ва юқори авлодли уруғликлар етиштириш мақсадида республикада жаҳон андозаларига мос янги уруғчилик тизимини жорий этиш керак.

ТЎРТИНЧИДАН. Республикаимиз миқёсида 75-80 фоиз ҳолатда ғўза қатор орасига жойлаштирилмоқда. Шу кунгача ғўза қатор орасига аниқ бир хил чуқурликка ва аниқ меъёрада уруғ экиш саялкаларини яратиш лозим.

БЕШИНЧИДАН. Бошоқли дон экинлари навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, навларни минтақа тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўғри жойлаштиришни, экиш муддатлари ҳамда меъёрларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда:

1) Республикаимизнинг шимолий минтақаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида бошоқли дон экинларини экиш муддатлари 1 сентябрдан 1 октябргача мақбул муддат ҳисобланади. Келгусида ушбу минтақадан кузги бошоқли дон экинларини кечки Юка, Краснодарская-99, Андижон-2, Гром, Алексеев, Аср, Ўзбекистон-25, Зимница, навларини экиш муддатларини 1-15 сентябр, уруғлик экиш меъёри 4,0 млн. дона, интенсив типдаги Эритроспермум турига мансуб Звезда, Ёғду ва Яксарт навларини эса 15-30 сентябр, уруғлик экиш меъёри 4,0-4,5 млн. дона қилиб белгилаш;

2) Жанубий минтақаларда 1 октябрдан 5 ноябргача мақбул муддат ҳисобланади. Ўртаки кечки Таня, Краснодарская-99, Аср, Алексеев, Антонина, Безостая-100, Гром, Первоица, Васса, Гурт, Давр, Ўзбекистон-25, Навбахор навларини 1-15 октябргача, экиш меъёри 4,5-5,0 млн. дона, Эритроспермум турига мансуб эртапишар Яксарт, Звезда, Фозгон, Бунёдкор, Бобур, Туркистон, Ёғду навларини эса 15 октябрдан 5 ноябргача, уруғлик экиш меъёри 5,0-5,5 млн. дона қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир;

3) Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида бошоқли дон экинларини экиш 25 сентябрдан 30 октябргача мақбул муддат ҳисобланади. Ушбу минтақаларида бошоқли дон экинларини экиш муддатларини 25 сентябрдан 30 октябргача, уруғлик экиш меъёрини 4,5-5,0 млн. дона қилиб белгилаш ижобий натижасини беради.

Марказий минтақадан эрта муддатларда кечки ўртапишар навларини 25 сентябрдан 15 октябргача, эртапишар навларини 15-25 октябргача экиш мақсадга мувофиқдир.

4) Фарғона водийси тупроқ иқлим шароитларида бошоқли дон экинларининг энг мақбул экиш муддатлари 25 сентябрдан 25 октябргачадир. Фарғона водийси шароитида келгусида бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш учун экиш муддатларини 1 октябрдан 25 октябргача, уруғлик экиш меъёри 4,5-5,0 млн. дона қилиб белгиланса, юқори натижаларга эришилади.

Ғалла экиш учун ер сифатли тайёрланиб, уруғ тўғри танланса ҳамда вақтида экилса, илмий асосланган тавсияларга амал қилинса, агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилса, кўзланган ҳосил олинади. Акс ҳолда, ҳосилдорлик паст бўлади.

Юқоридаги илмий-амалий тақлиф ва тавсияларга амал қилиниб, кузги бошоқли дон экинлари парваришида барча агротехник тадбирлар белгиланган муддат ва меъёрларда олиб борилса, келгуси йили галладан мўл ҳамда сифатли ҳосил олишга эришамиз.

Б. СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш бўйича ўринбосари,
қ.х.ф.д., акадემик,

Р. СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.д., РФА академиги.



Жиззах вилояти

ЕРИ, ИШИ, КАСБИ БОР ОДАМ КАМБАҒАЛ БЎЛМАЙДИ

Жиззах вилоятида “темир дафтар”га киритилган эҳтиёжманд оилалардаги 19 минг 894 нафар ишсиз фуқародан 17 минг 442 нафарининг ёки 87,6 фоизининг бандлиги таъминланди.

Вилоятда давлат захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай-диган ерларни эҳтиёжманд оилаларга узоқ муддатли ижра, томорқа сифатида бериш аҳолини иш ва доимий даромад билан таъминлашнинг муҳим манбаи бўлаётди. Бу иш вилоятда энг катта ҳудудга эга бўлган Форш туманида айниқса, самарали амалга оширилмоқда.

Тумандаги Банд маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилган Фуқат Нурмонов оиласига ҳам фойдаланилмай турган лалми ердан 1,5 гектар ажратиб берилиши нафақат “Темир дафтар”дан чиқиш балки, бошқаларга ҳам ёрдам кўрсатиш иқониятини яратди.

Оила бекаси Жамила опанинг тadbиркорлиги туфайли ажратилган ерга мева дарахтлари ўтказилиб боғ яратилди. Боғ ҳосилга киргунга қадар эса кўчат қатор ораларига турли экин экиб фойдаланаётди.

Шу мақсадда опти кишилик оила аъзолари кўчат қатор ораларига сабзавот, полиз эканларидан ташқари мош, лoвия, беда экишди. Сув чиқаришда туман ҳокимлиги кўмак берди. Барча экинлардан яхши даромад олган Нурмоновлар оиласи қабағалликдан чиқиш билан бирга яқинларга ҳам кўмак беришди.

– Давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши билан ер ажратиб берилиши турмушимизни ўзгартириб юборди, – дейди оила соҳиббаси Жамила Нурмонова. – Меҳнат қилган одам учун ер ҳазина экан. Берилган имкониятдан фойдаланиб, оиламиз билан қаттиқ ишладик. Ерининг ҳар қаричидан фойдаланиш учун алоҳида оила бўлиб чиққан ўғлимнинг, моддий қийналиб қолган бир синглимининг ҳам оиласини ёнимизга олдик. Улар ҳам меҳнатларига яраша даромад қилиб “Темир дафтар”дан чиқишди.

Туманда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда ердан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётди. Биргина шу маҳалла ҳудудда адирликлар бағрида артезиан қудуқлар қазилиб, минг гектарга яқин ер оилаларга деҳқончилик қилишлари учун ажратиб берилди.

Албатта, камбағалнинг қўли қисқа, ажратиб берилган ердан фойдалана олмайдиган оилалар ҳам бор. Шунинг

учун ерга сув чиқаришда, кўчат ва уруғликлар таъминотида, маҳсулотни сотишда, иссиқхоналар барпо этиш, чорвачилик, паррандачилик билан шугулланишларида туман ҳокимлиги томонидан ёрдам ҳам берилаётди.

Камбағалликни қисқартиришда амалга оширилаётган ишлар натижа-сида ҳозиргача 223 та оила рўйхатидан чиқарилди.

– Камбағалликни камайтиришда одамларга бир марталик моддий ёрдам эмас, ишлаб даромад топиш имкониятини яратиб беришга эътибор қаратилмоқда, – дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлимининг бошлиғи, туман ҳокимининг ўринбосари Йўлдош Кенгашев. – Туман бўйича рўйхатга олинган 557 та камбағал оиланин-г муаммо ва имкониятлари ўрганиб чиқилиб, ҳар бирига ўзига хос амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу мақсадда маҳалла фуқаролар йиғинлари қоши-да 17 та ўқув курслари ташкил этилиб, уйда ишсиз ўтирган фуқароларга тур-ли касблар, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона ишлари ўргатилаётди. Туман меҳнат бўлими томонидан курсларнинг ўқитувчиларига 1 миллион 300 минг сўмдан маош, тинг-ловчиларга 320 минг сўмдан степендия тўлаш йўлга қўйилди.

Вилоятнинг барча туманларида аҳоли турмуш фаровонлигини кўтаришда ердан, томорқадан фойдаланишга ҳустувор аҳамият қаратилаётди. Хусусан, шу пайтгача самарасиз фойдаланиб келинган лалми ерларда 12 та кооперативлар ташкил этилиб, уларда миндан зиёд фуқарога даромад олиш имконияти яратиб берилди. Аҳоли хонадонларидаги жами 76,2 гектар майдонларида 6 минг 941 та энгил конструкцияли иссиқ-хоналар қурилди. Ҳар бир сектор ҳуду-дида яна камидан 100 тадан хонадонда 1-1,5-сотихли жами 42 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш ишлари давом эт-тирилаётди.

Айни кунларда иссиқхоналарда эртаги экинлар, оилаларга ва ишлаб чиқариш кооперативларига ажратиб берилган лалми майдонларда келгу-си йил ҳосили учун кузги ғалла экиш ишлари қизгин бораётди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
Ж.ЁРБЕКОВ (сурат) Ўза

Тошкент вилояти

ҚИБРАЙДА ТУРКИЯЛИК ИНВЕСТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қиймати 27 миллиард 480 миллион сўм бўлган «AGRODINAMIX» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги замонавий иссиқхонанинг ишга туширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда туман сектор раҳбарлари ва ҳокимлик мутасаддилари, фаоллар иштирок этди.

Туманнинг “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида 3,35 гектар ер майдонида Нидерландия (Голландия) технологияси асосида қурилган ушбу замонавий иссиқхонада 60 нафарга яқин маҳалла хотин-қиз ва ёшлари иш билан таъминланди.

Туман ҳокими М.Мирқасимов корхона фаолияти, у ерда хо-

тин-қизлар учун яратилган шароитлар билан танишиб, ишчилар билан суҳбатлашди.

Корхона йилига 11 миллиард сўмлик 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, корхона томонидан бир йилда 1 миллион долларлик 600 тонна маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.



Бухоро вилояти

“АНГУС” ВА “ГОЛШТЕЙН” ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАР ПАРВАРИШИ ГҶШТ ВА СУТ МАҶСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Қоракўл туманида пахта ва ғаллачилик билан кифояланиб қолмасдан, жамоси билан чорвачиликни ривожлантиришга астойдил киришган “Фарангиз”, “Субҳон-Тоҳир-чорвадор”, “Кўксарой” каби фермер хўжаликлари томонидан Россия, Болтиқбўйи ва бошқа давлатлардан “Ангус”, “Голштейн” ва яна бошқа зотдор қорамолларни олиб келиб, парваришлаб, гўшт ва сут маҳсулдорлигини ошириш орқали халқимиз дастурхонини тўкин қилаётган субъектлар сони ошмоқда.

Аниқроқ айтганда, ҳудудни 2020-2021-йилларда комплекс ривожлантириш ҳудудий инвестиция дастурига асосан “Кўксарой” фермер хўжалиги томонидан умумий қиймати 2 миллиард 500 миллион сўмга тенг йирик шохли насли чорва молларини олиб келиш ва парваришлан, хўжаликда яна қўшимча 10 та иш ўрни яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бугунга келиб эса “Кўксарой” фермер хўжалиги ўз маблағлари ҳисобидан қорамол сақлаш биносидида қурилиш ишларини амалга ошириб, “Халқ банки”нинг туман филиали томонидан “Cargill Financial Services International Ink” (АҚШ) компаниясидан жалб қилинган 100 минг евро миқдоридидаги кредит маблағлари ҳисобидан Германия давлатидан 92 бош “Ангус” зотли қорамол олиб келинди.

– Бундан ташқари, хўжалигимизда 200 бош қорамол, юз бошдан ортиқ соғин сигир боқиб парваришланаётган бўлса, яқин йилларда улар сонини 500 бошга етказиш учун ҳаракат қиляпмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Омон Рўзиев. – Кейинги йилда сутни қайта ишлаш цехини очиш ниятимиз бор. Сабаби, сигирлардан соғиб олинаётган сутни саранжомлаш нисбатан қийин жараён экани ҳаммамизга бирдек маълум.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати

Ўсимлик дунёси табиатнинг иссиқлик ва радиацион мувозанатини бошқаради, ҳавонинг намлигини таъминлайди, зарarli тутунларни ва шамолларни сақлаб қолади. Жумладан, дарaxтлар турли хил шовқинларни камайтираш хусусиятига эга. Бундан ташқари очик экин майдонлари атрофида экилган дарaxтлар ерни шамол дeгpадациясидан ҳимоя қилади. Бундан ташқари дарaxтлар иқлим мўътадиллигини асрашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, шаҳарлар ҳудудида турли ташқи таъсирлар туфайли ўзига хос экотизим юзага келиб, мавжуд табиий муҳит тубдан ўзгаради.

Шаҳарлар майдонларини безатишда, уларга чиройли ва шинам кўрк беришда ёрқин рангларда гуллайдиган бута ўсимликларнинг аҳамияти беқисс бўлди. Ушбу ва кўпгина буталарнинг бебаҳо сифати шундаки, улар нафақат тез ўсувчи ва шаҳарнинг ўзига хос экологик шароитларига мослашувчанлиги билан, балки жуда манзаралилиги билан аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, экологик талабларга қатъий риоя қилиш, атроф муҳит мусоффолигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарaxт турларини экиш, уларни парвариш қилиш борасидаги ишларда барчамизнинг фаол бўлишимиз ҳамда ташаббускорлик кўрсатишимиз, бу йўналиш бўйича турли тарғибот ишларни амалга оширишимиз бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Аслида табиат ўз мувозанати ва моҳиятига кўра тўқис ва бекаму куст яратилган. Айниқса, мамлакатимизда тўрт фаслнинг барқарор алмашинуви, уларнинг ҳар биридаги жозоба кишини ҳайратга солади. Умуман олганда юртимизнинг ҳар фасли, ҳар куниди ўзгача сеҳр ва мўъжиза бор. Юртимизга сокинлик ила қириб келаётган куз нафаси аллақанда руҳиятимизда, кайфиятимизда сезилган.

Эътироф этиш жоизки, дарaxтлар инсониятнинг тўлақонли яшashi учун ҳаётий аҳамиятга эга, албатта. Яшил олам шаҳар ҳавосини 2-8 даражага салқинроқ қилади. Битта дарaxт йилига 15 минг литргача сувни тупроқда сақлайди. Дарaxтларнинг атроф муҳитга бераётган фойдаси туфайли мегаполислар ҳар йили 150 миллион долларга яқин маблағни тежайди.

Дарaxт турларини 2 турга ажратсак кўпчилигимиз албатта манзарали ва мевали дарaxт турларини тушунамик. Манзарали дарaxтлар ўзининг инсониятга, боринги жамики жонли ва жонсиз табиатга қуёшли жазирама кунларда соя салқини билан, кўркамлиги ва чиройи билан кайфиятимизни кўтариш билан бирга сиз-у бизга кислород, яъни



ОЛТИН КУЗ, ХАЗОНРЕЗГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

тоза ҳаво етказиб бериш ҳам уларнинг вазифасидир. Мевали дарaxтлар эса шириндан шакар мевалари билан дастурхонимиздан жой олган.

Дарaxтлар ҳар доим табиатга, инсониятга фойда келтирган. Соясини жонга меваси танга дармон. Лекин биз биланми, ҳар бир фаслнинг ўз хусусияти бор. Олтин куз фасли келиши билан дарaxтлар ўзининг яшил оламини хазонрезгиликка бўшатиб беради. Айни куз фаслида аҳоли томонидан хазонрезги мавсумида юқорида айтиб ўтилган манзарали ва мевали дарaxтлардан тўкилаётган барглари йиғиш, тўплаш ва олиб бориб ташлаши ташвишга солади. Шунингдек, айрим фуқаролар томонидан шох-шаббаларни ёқиб юбориш ҳам кузатилади.

Дарҳақиқат юртимизда куз фасли келиши билан хазон мавсуми бошланади. Ҳақиқат сарғайган дарaxт барглари ерга гиламдек тўкилади ва барглари йиғиб айрим хонадон, маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида хазонларни тўплаб ёқиб юбориш ҳолатлари кузатилади.

Келинг яна бир бор ёнаётган хазоннинг нечоғлик зарarli эканини статистик маълумотлар орқали кўрайлик. Бир тонна хазон ёқилганда, атмосфера ҳавосига 30 кг. углерод оксиди ажралиб чиқади. Бундан ташқари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи бошқа моддалар, яъни олтингургут ангидриди, курум, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар – диоксинлар ҳам ташланади. Хазондан чиқаётган тутун атмосфера таркибидаги кислород миқдорини камайтиради. Айниқса чала ёнган хазон ўздан заҳарли газ чиқаради. Ундан ажралаётган тутун атмосферада тўпланиб, ҳавога карбонат ангидрид газини чиқаради.

Мутахассисларнинг айтишича, зарarli моддаларга тўйинган ҳаводан нафас олган кишининг нафас йўллари, кўзи ҳамда марказий асаб тизими шикастланади. Шу билан бирга, организмда ўпка саратони, бронхит астма каби хавфли касалликлар келиб чиқиши хавфи ортади. Хазонни ёқишдан келиб чиқадиган зарarli тутун, айниқса, болалар, юрак қон томир нафас олиш йўллари хасталикларига чалинган ҳамда аллергияси бор инсонларга кўпроқ салбий таъсир этади.

Шуни унутмаслик керакки, коронавирус пандемияси шароитида атмосферанинг турли моддалар билан ифлосланиши, ушбу касаллик билан касалланганлар, тузалиб чиққанлар учун эса ниҳоятда зарarliдир.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя қилиш атроф-муҳит мусоффолигини таъмин-

лаш ва инсон саломатлигини ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасида "Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёқи ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарarli моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади", дея алоҳида таъкидланган. Бундан ташқари ёнғин содир бўлиши оқибатларидан келиб чиқиб жинойий жавобгарлик ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар, маҳалла фаоллари соғлом экологик вазиятни сақлаш ишларидан четда қолмаслиги лозим. Экологик қоидаларни бузган шахсларнинг аниқланишида маҳалла фаолларининг роли жуда ҳам муҳим.

Олиб борилаётган тадбирлар натижаси йилдан-йилга хазон ва шох-шаббаларни ҳамда ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш ҳолатлари камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу орада амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳам мавжуд. Бу бир неча омилларга боғлиқдир.

БИРИНЧИДАН, тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан хазон ёқишнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича чора-тадбир амалга оширилиши лозим. Дарaxтлардан тўкилган хазонларни йиғиб мутасадди ташкилотлар кўмағида шаҳар ташқарисига, тегишли жойларга ташлаш.

ИККИНЧИДАН, кесилган шох-шаббаларни қайта ишлаш натижасида турли хилдаги қурилиш материаллари ва брикетлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

УЧИНЧИДАН, дарaxтлардан тўкилган хазонларни алоҳида ажратилган ҳолда йиғиб олиш натижасида улардан ўғитлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

ТўRTИНЧИДАН, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, экологик талабларга қатъий риоя қилиш ва туманинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда атроф муҳит мусоффолигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарaxт турларини экишга алоҳида эътибор қаратиш.

БЕШИНЧИДАН, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида экологик ҳашарлар ўтказилиб, аввало экологик тозаликни

таъминлаш, чиқиндиҳоналарни озода сақлаш, бунда айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

ОЛТИНЧИДАН, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш экологик қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада яна бир эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири, бу соҳада қонунчилиқни такомиллаштиришдир. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси Экопартия фракцияси аъзолари ҳамкорлигида қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини ишлаб чиқиш борасида ишлар жадаллик билан олиб борилаётган. Депутатлар томонидан олиб кирилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни дарaxтлар, буталар ва бошқа ўсимликларнинг гайриқонуний кесилиши, йўқ қилиниши, шикастлантирилишининг олдини олишга ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш орқали бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг камайишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада олиб бораётган амалий ишларимиз соҳада қонунчилиқни янада такомиллаштириш борасидаги қонун ижодкорлиги самараси экологик фаровонлиқни таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси, келажак авлодларнинг мусоффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилиши лозим.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
Эркин ОМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси қатта референти.



**40 ЦЕНТНЕРЧИЛАР
САФИ КЕНГАЙМОҚДА**

– Туманимизда иқтисодий бақувват, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгайиб бормоқда, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳодир Мўйдинов. – Улар замон билан ҳамнафас қадам ташлаб ўз билими, тажрибаларини ошириб бориш, ишлаб чиқаришга замонавий технология ва фан ютуқларини татиқ этишга катта эътибор қаратмоқда. Натижада, пахтачилик соҳасига ҳам инновацион янгиликлар кириб келяпти. Мисол учун, хорижда ишлаб чиқарилган техника, технология, кимёвий воситалардан унумли фойдаланилаётганлиги, томчилатиб сугоришга кенг йўл очилганлиги бал бонитети пастроқ бўлган Мингбулоқ ерларидан 40 центнердан ошириб хирмон кўтариш имконини беряпти. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, “Бахтиёр Абдусаломович”, “Мулкибод орзулар диёри”, “Раҳмонали ота ЙНР”, “Муҳаммад Саид Акмал”, “Салимов”, “Қумлоқ”, “Элмуроджон Қурбонов”, “Шоҳжаҳон Нафосат Қодирли ота” каби фермер хўжаликлари шу кунгача ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ортик ҳосил олдилар. Мавсум охиригача уларнинг сафи 50-60 тадан ошиши кутилаётир. Бундай натижалар барча хўжаликларни янада шижоат билан ишлашга, мавжуд имконият ва фан ютуқларидан унумли фойдаланишга чорлаётир.

МИНГБУЛОҚЛИКЛАРНИНГ “ОҚ ОЛТИН” ХИРМОНИ 35 МИНГ 500 ТОННАДАН ОШДИ

*улар ҳам мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шартномавий
режани шараф билан уддаладилар*

Наманган вилояти



**“ОҚҚУМ”ДА
“ОҚ ОЛТИН”
УНДИРАЁТГАНЛАР**

**Акмалжон ЯВМИНОВ,
“Муҳаммад Саид Акмал” фер-
мер хўжалиги раҳбари:**

Хўжалигимиз 2006 йили “Оққум” худудидан отам Муҳаммадсодиқ Явминов бошчилигида ташкил этилган. Эндиликда кўп тармоқли хўжаликлар қаторидан ўрин олган иқтисодий бақувват жамоани менга ишониб тоширишди. 110 бош қорамолимиз бўлиб, гўшт ва сут етиштирамиз. Тасарруфимизда 112 гектар майдон бор. 2020 йилда 76,8 гектардаги ғаллазордан 70 центнердан ошириб буғдой етиштирдик. Аъзоларга 3 тоннадан дон бердик. Такрорий экин сифатида мош, маккажўхори экиб, мўмай даромад қилаяпмиз. Германияда ишлаб чиқарилган “Jaguar” ўрим комбайни сотиб олганмиз. Шу кунгача 2000 тонна силос бостирдик. 1000 тонна кўшни фермер хўжаликлари ва аҳолига сотиб бердик. 34,8 гектар ерга “Бухоро” навли чигит қадаган эдик, барвақт етилди. Уч иш кунда вилоятда биринчи бўлиб режани уддаладик. Қабул пунктига топширилган 100 тоннадан кўпроқ пахта фақат юқори навларга сотилди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан оладиган соф даромадимиз 300 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда...

Сирасини айтганда, Мингбулоқда етиштирилган ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиб олиш, яна қабул пунктларига 3 минг тоннадан кўпроқ саноат хомашёси топириш йўлида терим қизгин давом эттирилмоқда.

**Равшанбек МИРЗОЛИМОВ
ёзиб олди.**

Тўғриси, ҳар гал Мингбулоққа борганимда, дала кезиб чарчоқ нималигини сезмайман.

Бойси, маҳаллий фермерларнинг ўзига хос меҳнатсеварлиги, экинлар билан “тиллашиб” иш юритиши, деҳқончиликда “Мингбулоқ мактаби” яратилганлиги ҳар қандай ижодкорга жўшқинлик бағишлайди. Туманда барча бир ёқадан бош чиқариб ишлашга одатлангани, баҳона эмас имконият қидириб меҳнат қилинаётгани яққол сезилиб турадики, бунинг натижасида яқин ўтмишда ҳам бепоён қумликлар макони бўлган худудда қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори чўққилар забт этилаётир.

– Бу йил ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий натижаларга эришяпмиз, – дейди туман ҳокими Нуршод Худойбердиев. – Пилла, ғалла, полиз, сабзавот, иссиқхона, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби кўплаб йўналишларда режалар ортиги билан уддаланди. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, йиллар мабойнида мингбулоқлик деҳқонлар томонидан ғалла ва пахта етиштиришда ўзига хос “Мингбулоқ мактаби” яратилган. Экинларнинг маҳаллий шароитдан келиб чиқиб барвақт экилиши, агро-техник тадбирларнинг ўз муддатида ўтказилиши, айниқса, бегона ўт ва зараркунандаларга ўта хушёрлик билан курашилаётгани ҳосилнинг сифатли, эртаки, баракали бўлишига замин яратмоқда.

Жорий йилда 13 минг гектарга яқин майдонга чигит қадалган далаларда ҳар йилгидан салмоқли саноат хомашёси яратилди. 2020 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил пахта ҳосилини йиғиб териб олиш ишла-


рини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳокимликнинг қарори қабул қилинди. Ўттиз минг нафарга яқин фермер хўжаликлари аъзолари, уюшмаган аҳоли, кўнгилли ҳашарчилардан иборат 188 та отряд шакллантирилди. Теримчиларни ташиш транспортлари, трактор, тиркама, этак, тарози, қозон-ўчоқ, сув сақлаш идишлари билан таъминланди. Узоқдан қатнайдиغان 6433 нафар теримчига дала шийпонларида ётоқ жойлари ҳозирланди. Кўчма тиббий, савдо, маиший хизмат турлари йўлга қўйилди. Туманда мана бир неча йилдирки, ҳосилни замонавий терим машиналарида териб олишга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилда ҳам мавжуд майдоннинг 8716 гектари қўл кучлари билан териб олинган бўлса, 4200 гектардаги ҳосил 21 та терим машинасида йиғиб олинди. Натижада ўтган йилга нисбатан 5 кун барвақт зиммамиздаги шарафли вазифани уддаладик. Териб олинган ҳосил тўлиқ юқори навга қабул қилинди.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Куйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 йилдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунининг 43-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 31.07.2012 йилда 2383-сон билан рўйхатга олинган "Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари"га мувофиқ Sharipov Toxir Miraximovich ҳақида куйидаги маълумотлар берилди:

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ 20 ЁКИ УНДАН ОРТИҚ ФОИЗИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

| | |
|--|--|
| Улуш эгасининг номи: (жисмоний шахснинг тўлиқ номи ёки юридик шахснинг тўлиқ номи) | Sharipov Toxir Miraximovich |
| Улуш эгасининг жойлашган жойи (почта манзили) | Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Bogidil berk, Beshchinor, 3/8 |
| Акцияларни сотиб олишда иштирок этувчи улуш эгасининг филиаллари | |
| Филиалларнинг жойлашиши | |
| Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи | "Trastbank" xususiy aksiyadorlik banki |
| Битим санаси | 14.10.2020 йил |
| Битим тури | Биржадан ташқари шартнома |
| Устав капиталидан сотиб олинган акциялар миқдори (%) | 8,722 |
| Битимдан кейин ўтказилган акциялар сони (донада) | 83 847 107 |



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли манзаралари билан танишиш истагиди бўлганига,

"Qishloq hayoti"

ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек, тахририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ - 144

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43,
233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институт олими
Мирғани МИРЗИЯТОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига
ҳамдардлик билдиради.

Qishloq
hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
даҳлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Жамшид ХУЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Мухаммаджон
ТОШБОЛАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1025, ҳақми 3 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қороз бичими А-3.
Манзилмиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
1 977 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ - 144.

Телефонлар: Кабулхона - 236-26-50, Аграр масалалар бўлими - 236-26-47,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 233-76-78. Факс - 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар - 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 5 6

Баҳоқси елишилган нарҳда.

ISSN 2020-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.10